



TA'LIM VA INNOVATSION TADQIQOTLAR
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH



№ 7/2023
IYUL

<p>Muassis: Buxoro davlat universiteti Fan va ta'lim MChJ</p> <p>Bosh muharrir: Ma'murov Bahodir Baxshullayevich</p> <p>Jamoatchilik kengashi raisi: Xamidov Obidjon Xafizovich, Buxoro davlat universiteti rektori</p> <p>Tahririyat kengashi raisi: Maxmudov Mels Hasanovich</p> <p>Mas'ul kotib: Akramova Gulbahor Renatovna</p> <p>Texnik muxarrir: Davronov Ismoil Ergashevich</p> <p>Tahririyat manzili: Buxoro shahar, Q.Murtazoyev ko'chasi, 16-uy</p> <p>Telefon: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p>Jurnalning elektron sayti: www.interscience.uz</p> <p>Jurnal OAK Rayosatining 2021 yil 30 sentyabrda 306/6-son Qarori bilan PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA, FILOLOGIYA, TARIX FANLARI bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ruyxatiga kiritilgan</p> <p>Bosishga ruxsat etildi: 28.02.2023 y. Qog'oz bichimi 60x84 1/8. b/t.12,5. Buyurtma raqami 1.23 «FAN VA TA'LIM» nashriyotida chop etildi. Buxoro shahar</p> <p>Jurnal 28.07.2021 yilda 9305 raqami bilan O'zbekiston Ommaviy axborot vositalari davlat ro'yxatidan o'tgan</p> <p>Jurnal 2020 yilda tashkil topdi va 2 oyda 1 marta chop etildi. 2021 yil noyabr oyidan boshlab har oyda 1 marta o'zbek, rus va ingliz tillarida chop etiladi</p> <p>«Ta'lim va innovatsion tadqiqotlar» xalqaro ilmiy-metodik jurnalidan ko'chirib bosish tahririyatning roziligi bilan amalga oshiriladi</p> <p>Maqolada keltirilgan faktlarning to'g'riligi uchun muallif mas'uldir</p>	07.00.00 – TARIX FANLARI	
	Axmadov O. Sh. Buxoro mang'it hukumdorlarining talim - tarbiyadagi ibratlari	7
	Амонова Ф. С. Бухоро амирлигида олтин казиб олиш тарихидан	14
	Ахматов А. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бухоро бўлими котиблари (архив материаллари асосида, биринчи мақола)	20
	Sodiqov F. F. O'zbekiston ssrda mahalliy boshqaruv idoralarining shakllanishi (1925-1926-yillar)	25
	Teshayev A. T. Tarix fanini innovatsion pedagogik texnologiyalar orqali o'qitish	32
	Ражабов Қ. Ўзбекистондаги беназир сиймо (Атоқли давлат ва жамоат арбоби Назир Ражабов сиёсий фаолиятига чизгилар)	37
	10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	
	Akbarov Sh. Development of coordination abilities of primary schoolchildren using the circular training method	42
	Allamuratova X. O'zbek tilida apotropeik semantikali antroponimlar tasnifi	52
Axmedov F. Sh. Sport murabbiylari tayyorlash bo'yicha xorij tajribasi	60	
Ашуров З. Интерактивные методы с использованием информационных технологий в обучении языкам	70	
Ашурова С. Э. Роль использование современных информационных технологий в процессе обучения иностранному языку	74	
Botirov H. X. Maktablarning raqobatbardoshligini ta'minlaydigan omil sifatida ta'lim sifatining o'rni	80	
Jumayeva U. A., Hakimbaeva O. K. Maktab yoshidagi bolalarga chet tilini o'rgatishda qo'shiqlar va multimedia vositalaridan foydalanish	85	



**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БУХОРО БЎЛИМИ
КОТИБЛАРИ**

(архив материаллари асосида, биринчи мақола)

Ахматов Амонкелди,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Бухоро

**SECRETARIES OF THE BUKHARA DEPARTMENT OF THE
ASSOCIATION OF UZBEKISTAN WRITERS**

(based on archival materials, the first article)

Akhmatov Amonkeldi,

doctor of philosophy in historical sciences (PhD), Bukhara

**СЕКРЕТАРЕЙ БУХАРСКОГО ОТДЕЛЕНИЯ АССОЦИАЦИИ
ПИСАТЕЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА**

(по архивным материалам, первая статья)

Ахматов Амонкелди,

Доктор философии по историческим наукам (PhD), Бухара

Резюме: Ушбу туркум мақолада Бухоро адабий ҳаракатчилиги асосини ташкил қилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро бўлими раҳбарлари ҳақида айрим таҳлилий ва танқидий маълумотлар берилган.

Таянч сўзлар: Адабий муҳит тарихи, адабий ҳаракатчилик, Тошпўлат Ҳамид, Ёзувчилар уюшмаси, шеърят, “Нилуфар” адабий тўғараги.



Аннотация: В данной статье представлены некоторые аналитические и критические сведения о руководителях Бухарского отделения Союза писателей Узбекистана, составивших основу бухарского литературного движения.

Ключевые слова: История литературной среды, литературное движение, Ташпўлат Хамид, союз писателей, поэзия, литературный кружок «Нилуфар».

Summary: This series of articles presents some analytical and critical information about the leaders of the Bukhara branch of the Union of Writers of Uzbekistan, who formed the basis of the Bukhara literary movement.

Keywords: History of literary environment, literary movement, Toshpolat Khamid, Writers' union, poetry, «Nilufar» literary circle.

Кириш. Ўзбекистон тарихининг бўлимларидан бўлмиш адабий жараёнларни ўрганиш ҳам муҳим долзарблик касб этади. СССР Ёзувчилар уюшмаси ва унинг таркибида Ўзбекистон шу жумладан, Бухоро бўлимининг ташкил қилиниши адабий муҳитда бир қатор янгиланишларни юзага келтирди. Жадаллашган адабий жараёнларнинг бориши бир қатор ижобий ва салбий ҳолатларни юзага келтирди. Бухорода ташкил қилинган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бўлимининг фаолияти учун ҳам шундай хулоса бериш мумкин. Тарихи тўла



ўрганилмаган ушбу ташкилотнинг котиблари фаолиятини ўрганишни ушбу мақола орқали бошладик.



Адабиётлар таҳлили ва методлар: Мазкур мақолани таҳлил қилиш жараёнида илмий билишнинг мантиқийлик, тарихийлик, изчиллик ва обективлик усулларида кенг фойдаланилди. Ушбу давр Бухоро адабий муҳити тарихи бўйича адабиётшуносликда баъзи бир ишлар қилинган бўлсада, Ўзбекистон тарихи бўйича ҳамон бу борада тадқиқотлар олиб борилмаган.

Асосий қисм. XX аср Бухоро адабий муҳитига дастлаб Шарифжон Махдум (Садр Зиё), Садриддин Айний, Абдурауф Фитратлар навбати билан етакчилик қилдилар. Бироқ, 40 йиллардан кейинги жараён кузатилса, Бухоро адабий муҳитида яққол кўзга ташланадиган етакчиликни қўлга олиб, адибларни бирлаштирадиган ташкилотчи учрамайди. Бу ҳол токи 1950-йил ўрталарига қадар давом этади. XX аср 50-70-йиллари Бухоро адабий муҳитининг забардаст вакили, ташкилотчиси ва жонкуяри Тошпўлат Ҳамидов адабий сахнага чиқиши билан муҳит ўз етакчисига эга бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бироз пасайиш кузатилсада, 1950-йилларга келиб вилоятларда ҳам адабий жараёнлар қайтадан ташкиллаштирилди. XX аср 50-йилларига келиб Республиканинг минтақавий адабий доираларида ижод қайта юксала бошлади. Бухорода урушдан кейин тушкунликка учраган адабий муҳит қайта юксала бошлади. Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгашининг 1955 йил 21 январдаги 100 сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Совет Ёзувчилар уюшмасининг маъмурий бошқарув аппарати таркиби ва штат бирлиги қайта шакллантирилди. Қарорга биноан бир қатор вилоятларда Ёзувчилар уюшмасининг бўлимларини ташкил қилишга киришилди. 1955-йил 1-октябрда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларини бирлаштирган бўлими ташкил этилади[5,82].

1957 йил февралда шоир Ғафур Ғулом Бухорога ташриф буюриб, ёш ижодкорлар билан учрашди. Учрашув Гавкушон минораси ёнидаги “Ўқитувчилар уйи”да ўтказилди. Кечани шоир Тошпўлат Ҳамид очиб, дастлабки сўзни Ғафур Ғуломга берди. Атоқли шоиримиз ўз лутфида ижодкорнинг масъулияти, ёш ёзувчи ва шоирлар кўп ўқиши, ҳаётни яхши ўрганиши лозимлиги ҳақидаги фикрларини айтиб, ўз шеърларидан ўқиб берди”[2,205]. Шунингдек, Ҳамид Ғулом, Жалол Икромий, Асқад Мухтор, Суннатулла Анорбоев, Сергей Бородин, Жуманиёз Жабборов, Юсуфжон Ҳамдам, Мирмуҳсин ва бошқа адиблар пахта йиғим-терими айна авж олган 1959 йилнинг октябрь ойи ўрталарида Ғафур Ғулом бошчилигида вилоятга келишди.

Халқаро алоқаларни жонлантиришга хизмат қилган Швеция ёзувчилар союзи раиси ўринбосари Ян Елен ва Швед шоири Карл Ваннберглardan иборат ёзувчилар делегацияси Ўзбекистонда бўлди (1962 йил). Улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларининг қадимий ёдгорликларини янги маданий ўчоқларини томоша қилдилар[5,175].



1950-70 йилларда Бухоро адабий муҳити вакиллари доимий равишда Механизатсия мактабининг ўқувчилари билан учрашув ташкил қилишади. Адабий кечаларда муаллифлар ўзларининг энг яхши шеърларидан, ҳаваскор ижодкорларнинг, таниқли рус ва ўзбек совет адибларининг асарларидан парчалар ўқилади.

Бухоро давлат Педагогика институтида ҳам алоҳида адабий муҳит шаклланган эди. Китобхонлар конкурси, ёш ижодкорлар конференциялари ташкиллаштириб турилган. Ўзбек адабиёти кафедраси ҳузурида “Ёш ижодкорлар” адабий тўғараги фаолият юритган. 1962 йил ректор Д.Намозов раҳбарлигида Шухратнинг “Шинелли йиллар” романи юзасидан декабр ойида китобхонлар тадбири ташкиллаштирилганда адибнинг ўзи ҳам иштирок қилган[5,188].



Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлими 1957-йилда дастлабки шеърлар тўпламини нашр эттирди. “Бухоро куйлайди” (бадий ҳаваскорлик тўғараклари учун репертуарлар тўплами)[1,190-194] деб номланган тўпланда кўплаб шоирларнинг шеърлари жой олади.

Тошпўлат Ҳамиднинг ташаббуси билан шу йилнинг ўзида бухоролик ёш ижодкорларни жамлаган “Октябрга гулдаста” шеърлар тўплами нашр этилади. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимини раҳбари сифатида ижод аҳлини, илмни ҳурмат қилган, қадрлаган адиб матбуотда кўплаб шеърлари билан иштирок қилиб илк тўплами “Қуёш шаънига” номи остида 1960 йилда нашр эттирган эди.

Драматургия, болалар адабиёти, адабиётшунослик ва фольклоршунослик, таржима ва таржимашунослик соҳаларида ҳам ўзига хос жонланиш сезила бошланди. Бу соҳаларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқотга арзигулик. “Асрорқулнинг кўчқори” шеърини эртақдаги хулоса золимлар салтанати жазосини олади халқ ўз эркига эришади. “Қора кийик” достонида халқимизнинг эрк ва озодлик, фаравон ҳаёт учун кураши тарихи мавзу қилиб олинган. Амирликнинг кулаши тасвирланиши билан бирга совет мафкураси устуворлиги яққол сезилади. “Қувғин” достони ҳам тарихий биографик мавзуда бўлиб Ибн Сино ҳаёти тасвирга олинади. “Тилла дарвоза” достонида Мурунгов олтин конининг очилиши ва бунёдкорлик ғалабалари ҳикоя қилинади. “Гулоб” достонида Маликчўлнинг ўзлаштирилишида ёшларнинг шижоати куйланади [4,333].

Шеърятда меҳнат аҳлини улуғлашга бағишланган кўплаб шеърлар ёзди, замон кишиси сифатида даврдан келиб чиқиб мулоҳаза юритади. Совет режими мафкурасини олқишлаб, пахта якка ҳокимлигининг асоратини, меҳнаткашларни эксплуатация қилинаётганини, шўролар мафкураси алқаган пахта якка ҳокимлиги иллат эканлигини эътиборга олмайди. “Норхола”, “Пахтазор гўзали”, “Қўлларингни яширма, Жаннат”, “Пахта ва Қуёш” сингари пахта яккаҳокимлигига даъват этувчи шеърлари шулар жумласидандир. Аслини айтганда, ушбу жиҳат давр шоирлари шеърятига хос муштарак иллат эди.

Камтарликка ундовчи, лоқайдликдан қочишга чорловчи, тарбия ва оила масалаларига бағишланган “Лочин ва Зағизгон”, “Ўликлар



тиригу...” шеърларида одамлар орасидаги муносабатлар қаламга олинади.

“Бухоро ҳақиқати” газетаси ҳузурида ёш ижодкорларнинг “Нилуфар” адабий тўғараги ташкил қилиниб, ойда бир марта йиғилиб турадиган Бухоро воҳасининг турли ҳудудларидан бадий ижодга ҳавасманд қаламкашларни уюштирди. Тошпўлат Ҳамид ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу тўғарак аъзоларининг ижод намуналари матбуотда бериб борилди. Адабий машғулотлар шаҳар кутубхонасида, педагогика институтида ташкил қилинган.


Тошпўлат Ҳамидов бўлим раҳбари сифатида доимий хизмат сафарларида бўлган. Биргина 1967 йилнинг ўзида 25-28 январ кунлари Тошкентда 26 январ кунни ёзувчи, композитор, рассом, архитектор, киномотограф, театр жамоаларининг йиғилишида [5,12]. 1967-йил 17-июнда ижодкорлар конференциясида; 1967-йил 10-сентябрда Абдулла Қаҳҳор 60-йиллигида иштирок қилган. Ушбу сафарлар харажатлари ўз вақтидан кечиктириб бўлсада тўланган.

Уюшма рабари бир йилда 24 иш кунлик таътил олиш имкони бўлган Жумладан, 1967-йил 9-октябрь меҳнат таътилини имзолатган Тошпўлат Ҳамидов 15-октябрдан 15-ноябргача таътилда бўлган. Бироқ шу орада 5-наябрда таътил давомида октябрь 50-йиллиги тадбирида қатнашган. 1967-йил 27-28 ноябр кунлари М.Горкий юбилейида иштироки кузатилади [5,198].

Доимий сафарлар, айниқса бутун вилоят адабий тадбирларининг масъулияти, сиёсий жараёнлардаги фаоллик адибни толиқтиради. Малевка шаҳрида даволаниш асносида ҳам адиб ўзини ижоддан узолмайди. “Тувак гул”, “Мустаҳзод – Кўзи учадир магарки ёрим келадур”, “Най”, “Ҳаёт” каби шеърлар айна шу вақтда ёзилган эди [5,1].

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда бадий адабиётнинг роли ғоят катталигига эътибор қаратган совет ҳукумати болалар адабиётини ривожлантириш тўғрисидаги чиқарган қарори дастлабки қадам эди. Ўзбекистон совет Ёзувчилар уюшмасининг 1970 йил 28-май ҳисоботида болалар адабиёти билан шуғулланадиган адиблар рўйхати шакллантирилган. Афсуски ушбу рўйхатда Бухоро вилятидан бирор ижодкор кўрсатилмаган. Бироқ пойтахт Тошкентда ижод қилувчи болалар адиблари рўйхатида бухоролик ижодкорлардан Омон Мухтор ва Сафар Барноларнинг номлари рўйхатга киритилган [5,6].

Хулоса қилиб айтганда, 50-70 йиллар Бухоро адабий муҳитининг ривожланиши биринчидан: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг ташкил қилиниши; иккинчидан: Тошпўлат Ҳамиднинг ташкилотчилик ва раҳбарлик қобилияти туфайли юзага келди. Унинг раҳбарлигида 70 га яқин адиблар ижодий кучларини бирлаштирган адабий муҳит фаолияти фойдали ва самарали бўлди. Ёш ижодкорларнинг тўғарак ва адабий курсларга уюшишлари таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар алоҳида аҳамиятли бўлди. Адабиётда меҳнат аҳлини улуғлашга бағишланган кўплаб асарлар ёзилди, замон кишиси сифатида давр сиёсатидан келиб чиқиб мулоҳаза юритилди. Совет



режими мафкурасини олқишлаб, пахта якка ҳокимлигининг асоратини, меҳнаткашлар эксплуатация қилинаётгани, советлар мафкураси алқаган пахта якка ҳокимлиги иллат эканлигини эътиборга олишмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бухоро ВДА, 1198-фонд, 1-рўйхат, 7-иш.
2. Гулом Шомурод. Меҳр меҳвари: Шеърлар, дostonлар, хотиралар. - Тошкент.: «Шарқ», 2014. – Б.205.
3. Ахматов А. Бухоро адабий муҳити тарихи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.. автореф.... – Бухоро, 2022.
4. Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. – Бухоро: Дурдона, 2015. –Б. 293.
5. Ўзбекистон МДА, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 369,405–ишлар.